


Муздалифа



07:30 / 04 февраль 880

Ушбу жой Мино билан Арофат орасида жойлашган. Унинг Муздалифа деб номланишига сабаб — одамлар кечанинг бир бўлагида у ерга тушишгани ёки жам бўлиб тушишгани ёхуд улар Минога яқин бўлишгани ёки Одам алайҳиссалом Ҳавво билан ўша ерда топишгани учундир. Муздалифанинг чегараси Муҳассир водийсидан Маъзамингачадир. Маъзамин икки бир-бирига юзланган тоғ бўлиб, ўртасида йўл бор. Узунлиги 4 км ва бир неча юз метр бўлиб, умумий масофаси 12,25 км.

Муздалифанинг бошланиши ва тугаши ҳақида хабар берувчи ишора-белгилар бор. Астрономик ўрни маркази ва масжиди билан узунасига шарқ томондан 22, 54, 39 даражада, энига шимол томондан 00, 23, 21 даражалардадир. Бу ер ҳарам ҳудуди ичига кирувчи маросим жойидир. Аллоҳнинг сўзида зикр қилинганидек:

«Арофатдан қайтиб тушганингизда Машъарул ҳаромда Аллоҳни зикр қилинг» (Бақара сураси, 198-оят).

Ибн Умар розияллоҳу анҳумо: «Муздалифанинг барча жойи Машъарул ҳаромдир», деганлар.

Ҳадиси шарифда келишича, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам видолашув ҳажида, Муздалифада масжид томондан тушаётганларида шом билан хуфтонни жамлаб ўқидилар «Мана шу ерда турдим», деб ҳамма

ҳожиларни ва у зот: бир маконга жамладилар. Ушбу макон 9 зулҳижжа куни қуёш ботганидан кейин Арофатдан тушаётган пайтда ҳожилар ётиб қоладиган жойдир. У ерда шом билан хуфтонни қаср қилиб, бир азон ва икки такбир билан жамъу-таъхир қилиб ўқишади, Аллоҳга дуо қилишади. Бомдод намозидан кейин эса Минога кетишга ҳаракат қилишади. Отадиган тошларини ана шу ердан олишлари мумкин. Иложи топилмаса, йўлдан ёки Минодан олишади.

Саудия Арабистони подшоҳлиги ҳукумати Аллоҳнинг меҳмонларининг роҳатини кўзлаб, Машъарул ҳаром масжидини кенгайтиришга, ҳожилар ётиб қолишига шароитлар яратишга, ичимлик сувлари етказиб беришга, тиббий ёрдам шароитларини яратишга (унинг бир томони эркаклар учун, иккинчи томони аёллар учундир) ҳамда кўчадаги ҳаракатларни тартибга келтиришга киришди. Ҳали ҳам ҳожиларга хизмат кўрсатиш, улардан қийинчиликларни кўтариш учун ҳукумат бор куч ва имкониятини сарф қилмоқда.

**«Макка, Каъба, Замзам тарихи, ҳаж ва умра маносиклари»
китобидан.**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 7 сентябрдаги 03-07/6905-рақамли ҳулосаси асосида тайёрланди.